

ҲАБИБ САЪДУЛЛА ШЕЪРИЯТИДА ПОЭТИК СИНТАКСИС

Эрманбетова Шоҳсанам Бозорбоевна

University of Business and Science

Til va adabiyot ta'limi kafedrasasi o 'qituvchisi

Аннотация: Уибу мақолада шоир Ҳабиб Саъдулла шеърияти синтактик таҳлил қилиниб, шеър мисралари, байтлари ва бандларидаги жумла қурилиши ва уларда гап бўлакларининг тартиби ҳақида фикр юритилган.

Калим сўзлар: интонация, интонацион бўлак, пауза, ургу, нутқ, поэтик фигураналар, бадиий тақрор, тақрор сўзлар.

Маълумки, шеърий синтаксисда шеър мисралари, байтлари ва бандларидаги жумла қурилиши ва уларда гап бўлакларининг тартиби ҳақида фикр юритиш билан шуғулланади. Шеърий нутқда шеърий жумла қуриш, сўз танлаш ва уларни гап қурилишида моҳирона ишлатиш масаласи муҳим аҳамият қасб этади.¹ Ижодкор шеърларининг поэтик синтаксиси бир-биридан ўзига хослиги билан ажралиб туради.

Ҳар бир асарнинг интонацияси бор. Нутқнинг синтаксиси, сўздаги гапнинг ўрни, улардан айримларини пауза билан, секин ёки тез талаффуз қилиниши турли хилдаги интонацияни пайдо қиласди. “Шеърий сўз матннинг ўрнига қараб хитоб, киноя, шама, гина, ўпкалаш, таажжуб, шодланиш, мурожаат, ғурур, ундов, ғазаб сингари маъноларни англатади. Интонация жонли нутқимизда қанчалик ранг-баранг бўлса, поэтик нутқда ҳам шунчалик ранг-барангдир.”² Интонация лирик қаҳрамон характеристини очиб берувчи энг муҳим восита ҳисобланади. Шеър интонацияси интонацион даврларга ва уларнинг таркибига кирувчи интонацион бўлакларга бўлинади. Интонацион даврлар икки нуқта ўртасидаги мустақил ва тугал жумлани ташкид этса, интонацион бўлаклар эса интонацион давр ичида интонация жиҳатидан мустақил бўлмаган ва икки пауза ўртасида келган нутқ бирлиги билан изоҳланниб келади. Шоир Ҳабиб Саъдулланинг ушбу шеърида уч интонацион давр ва 7 интонацион бўлак мавжуд:

Эҳ-ҳе, булбул бўлиб кетдинг-ку, ошнам,
Дилгинангда шунча кўпмиди зоринг?
Мунча нола қилдинг,
Ёндинг мунча ҳам,

¹ Бобоев Т. Адабиётшунослик асослари. Т.: - Ўзбекистон, 2002. Б.423.

² Бобоев Т. Адабиётшунослик асослари. Т.: - Ўзбекистон, 2002. Б.423.

Ўтмай қолмаган-ку сира бозоринг.³

Шоирнинг “Пушкин” номли шеърида эса икки интонацион давр ва тўрт интонацион бўлак мавжуд:

Ўйнашмагил шоир ғурури билан,
Ахир эл яшайди унинг қонида.
Халқ қадрин ўзининг қадри деб билар,
Халқ дарди ҳаттоки устихонида.⁴

Шоир шеърларида интонацион ранг- барабангликни кузатиш мумкин. Интонацион ранг- барабанглик асар тилига таъсирчанлик баҳш этади. Ҳабиб Саъдулланинг қуидаги шеърларида турли маъно ифодаловчи сўз маъноларини кўришимиз мумкин:

Ҳақиқат, ол ўзинг дунёни,
Даф қилгил жаҳолат, риёни,
Чекинсин сен сочган зиёдан
Зулматлар, кулфатлар, тухматлар.⁵

Бу шеърда лирик қаҳрамон ҳис- туйғулари хитоб билан айтилаётганини кўришимиз мумкин.

Ташрифинг муборак,
Муборак Наврӯз!
Озод Ватанимга сафо келибсан!
Пойингда тароват,
Дастингда ризқ-рӯз,
Кўксингда муҳаббат, вафо келибсан!⁶
Юқоридаги шеърда эса лирик қаҳрамон кайфиятида кўтаринкилик, шукроналик ҳисси яққол сезилади.

Интонацияни пауза, урғу ва нутқ вужудга келтиради. Пауза шеърий нутқда катта ўрин тутади. У мисралар орасидаги туроқларнинг охирига тушади, айрим сўз ёки сўз бирикмаларини бўрттиради, уларнинг маъно ва аҳамиятини таъкидлайди, шеърий нутқ; а ҳис-хаяжон бағишлийди. Айник;са, шеърдаги байт ёки бандлар шеъриятнинг тугалланган бир бўлаги сифатида доимо пауза билан бир-биридан ажралади. Шеър ритмини тартибли жойлашган нутқ, бўлакларининг қонуний такрорланишиз яратиб бўлмайди, поэтик нуткдаги бу бўлакларни эса паузасиз тасаввур қилш қийин.

Масалан, Ҳабиб Саъдулланинг ушбу шеъридан бир бандни олиб кўрайлик:

3 Саъдуллаев Ҳ. Танланган асарлар. I том -Т: “Шарқ”, - 2002 й, 275.

4 Саъдуллаев Ҳ. Танланган асарлар. I том -Т: “Шарқ”, - 2002 й, 276.

5 Саъдуллаев Ҳ. Танланган асарлар. I том -Т: “Шарқ”, - 2002 й, 276.

6 Саъдуллаев Ҳ. Танланган асарлар. I том -Т: “Шарқ”, - 2002 й., б.363.

Икки йилки сенсиз яшар Намангон,
Бир сим узилгандай гўё торидан.
Боғидан камайди битта ғазалхон,
Бир япроқ узилган алп чиноридан.⁷

- 6+5
- 6+5
- 6+5
- 6+5

Ушбу тўртлик 6+5 вазнида. Бунда факдт иккинчи туроқ охиридагини эмас, балки биринчи туроқдан кейин хам пауза пайдо булади. Бунда ритмик пауза ҳосил бўляпти. Ритмик пауза шеър ритмининг бир босқичини билдириб келади, аммо у мисралар охиридаги паузалардан анча қисқадир. Мисра охиридаги пауза чўзиқроқдир. Шу сабабли кичик туроқдан сўнг келувчи паузани кичик ритмик пауза, мисра охирида келувчи паузани катта ритмик пауза деб аталади. Пауза шеър охирини ташкил этишда муҳим роль уйнайди.

Шеърий нутқ, синтаксисининг энг муҳим соҳаларидан бири поэтик фигуralар ҳисобланади. Поэтик фигуralар, худди кўчимлардек, бадий нутқни белгиловчи воситалар эмас, у аслида, инсон руҳиятининг ўзига хослиги ва жонли тил табиатидан табиий равишда келиб чиқадиган ходисалардир. Одам ҳаяжонланган, қувончларга тўлган, хафа бўлган ёки нафратланган пайтларида унинг нутқи одатдагидан ўзгаради: нутқ осойишта эпик руҳини йукотади, ran қурилиши бошқача гўе олади, жумлалар қисқа қисқа бўлади, баъзи сўзлар тушиб қолади, баъзи сўзлар эса такрорланади. Ҳатго, баъзан алоҳида сўзларгина эмас, бутун-бутун жумлалар ҳам такрорланиб келади. Жонли тилдаги бундай ўзига хос хусусиятлар бадий нутқда ўз ифодасини топади. Шоир қаҳрамонларининг руҳий ҳолатини ҳаққоний ифодалашга интилар экан, даставвал, нутқ оқимиға, жумла тузилишига, сўз танлаш ва уларни гапда жой-жойига қўйиб ишлатиш масаласига жиддий эътибор беради. Фигуralар, биринчи навбатда, персонажларнинг ҳис-туйғуларини, кайфиятини ифодалашга қаратилган бўлади. Одатда, кўчимлар ёрдамида предметлар ва воқеа-ходисаларнинг табиати (ўзига хос хислатлари, сифат белгилари) очилади. Фигуralар алоҳида сўзларнинг маъносини, аҳамиятини ўгартирмайди, аксинча у инсон ҳиссиётига асосланиб бадий нутқ қурилишига таъсир ўtkазади.

Поэтик фигуralар бир неча турларга бўлинади. Уларни қуидагича тасниф қилиш мумкин:

- 1.Кучайтирувчи фигуralар
2. Пасайтирув фигуralар
3. Охангдош фигуralар
4. Зидлов фигуralар

⁷ Саъдуллаев Ҳ. Танланган асарлар. I том -Т: “Шарқ”, - 2002 й.,Б.362.

Бу фигуralар лирик қаҳрамон ҳиссиётини бўрттириш, кучайтиришга хизмат қилади. Кучайтирувчи фигуralар гуруҳига градация, риторик сўроқ, мурожаат ва бадиий такрорлар киради. Градация лотинча “зинапоя” маъносини англатувчи сўздир. Градацияда сўз маъносини мисрадан мисрага ўтишда кучайиб, кўтарилиб боришини кузатиш мумкин. Градациянинг климакс ва антиклимакс кўринишлари мавжуд. Климакс турида шеър маъносининг юқорига қараб ўсиб, кўтарилиб бориши қузатилади Антиклимакс турида эса, аксинча пастга қараб тушиб боради. Шоирнинг ушбу шеърида градациянинг иккала турини ҳам кўриш мумкин:

Сени юрагимнинг қаъридан мутлоқ

Юлиб ташламоқчи бўламан.

Сени юрагимнинг қаъридан мутлоқ

Суғуриб ташламоқчи буламан,

Бироқ,

Юлиб ташлолмайман, малагим! ⁸

Лирик қаҳрамон қалбидағи ҳис-туйғуларини ошкора, тантанавор исёнкорона руҳда айтади. Қалбида яшириниб ётган дард, яъни севгилисини юрагининг қаъридан бутунлай суғуриб олиб ташламоқчи бўлади. Лекин, бу иш унинг қўлидан келмайди. Бу ўринда шеърда қаҳрамон ҳис-туйғуларини исёнкорона, мардона ифодаси кузатилади. Шеърда градациянинг климакс кўриниши юзага келади.

⁸ Саъдуллаев Ҳ. Танланган асарлар. I том -Т: “Шарқ”,- 2002 й.,Б.133.